Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 77 (5668).
2 АПРЕЛЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бир қанча қарорлар қабул қилиб, бу қарорларда уруш қатнашчилари учун ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун қуйидаги қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилади.

I. Ҳаракатдаги армия қисмларида хизмат қилган (ишлаган) ҳарбий хизматчилар ва эркин ёлланган состав кишилари ҳамда партизанлар орасидаги Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчиларига врачларнинг рецептларига мувофиқ дорилар-дармон сотиб олиш қийматининг 50 процентини чегирилади, улардан умумий касаллик, меҳнатда майиб бўлиш ва бошқа сабаблар оқибатида инвалид деб топилган кишиларга дори-дармонни бепул олиш ҳамда уй-жой ва коммунал хизматлари ҳақини 50 процент чегириш юзасидан илгари уруш инвалидлари учун белгиланган ҳуқуқ берилади.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари:

1983 йилнинг 1 январигача ёки шундан кейин ишлагани ёки ишламаганидан қатъий назар, зарур узлуксиз ёки умумий иш стажи етарли бўлган уруш қатнашчилари бир корхона, муассаса, ташкилотдаги узлуксиз иш стажи учун қарилик пенсиясига 20 процент устама олиш;

ҳамма турдаги алоқа хизматидан навбатсиз фойдаланиш ва квартирага навбатдан ташқари телефон қурдириш ҳуқуқига, Ватан урушининг инвалидлари эса шунингдек мана шундай телефонларни бепул қурдириш ҳуқуқига;

боғдорчилик уюшмаларининг аъзолари боғ уйчаларини сотиб олиш ёки қуриш ва боғ участкаларини ободонлаштириш учун процентсиз ссуда олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

II. Офицерлар состави, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилардан бўлган I группа Ватан уруши инвалидларига уларни парвариш қилиш учун берилаётган пенсияга ойига 50 сўм миқдорида устама белгиланади, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилардан бўлган уруш инвалидларига эса бундай пенсиялар ойига 30 сўм миқдорида оширилади. Ҳарбий хизматчилар орасидаги II группа уруш инвалидларига пенсия (шу жумладан қарилик пенсияси) ойига 20 сўм миқдорида оширилади. Шу билан бирга пенсияга тўланадиган устама ва пенсияларнинг оширилиши мазкур ҳолларда пенсияларнинг белгиланган максимал миқдорларидан ташқари ёзилиши мумкин.

Айрим категориядаги ҳарбий хизматчиларнинг — офицерлар состави, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва СССР Ички ишлар министрлигининг бошлиқлар составидаги уруш қатнашчиларига хизмат қилган йиллари учун тайинланадиган пенсиялар миқдори ҳам кўпайтирилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, министрликлар, идораларга, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган Улуғ Ватан уруши инвалидларини, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини ва белгиланган тартибда уларга тенглаштирилган кишиларни яқин икки йил мобайнида уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

III. СССРни ҳимоя қилиш ғоясида ёки бошқа ҳарбий хизмат вазифаларини ўташ пайтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг марказий иситиш системага уланмаган уйларда истиқомат қилувчи оилаларига ёқилғи қийматининг 50 процентини чегирилади.

СССРни ҳимоя қилиш ғоясида ёки бошқа ҳарбий хизмат вазифаларини ўташ пайтида яралар, контузия ёки майиб бўлиш оқибатида ёҳуд фронтда бўлиш билан боғланган касаллик оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг боқувчисидан жуда бўлган оилаларига бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорлари оширилади. Мазкур ҳарбий хизматчилар аъзо бўлган хўжаликлар қишлоқ хўжалик солиғи тўлашдан батамом озод қилинади.

Ватан урушининг вафот этган инвалидлари хотинлари учун уй-жой ва коммунал хизмат ҳақини тўлашда уруш инвалидлари учун амалдаги қонунларда белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади.

I группа Ватан уруши инвалидларини парвариш қилаётган кишиларнинг инвалидлари ҳақиқий парвариш қилиш билан ўтган вақти, улар инвалиднинг оила аъзолари эканлигидан ёки аъзоси эмаслигидан қатъий назар, уларнинг меҳнат стажига қўшиб ёзилади.

Ватан уруши инвалидларига ва баъзи категориядаги ҳарбий хизматчиларга медицина хизматини янада яхшилаш тадбирлари кўзда тутилди.

IV. Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг ва уччала даража Шуҳрат ордени билан мукофотланган кишиларнинг социалистик Ватанни ҳимоя қилишдаги катта хизматларини тақдирлаб уларга қуйидаги қўшимча имтиёзлар берилади:

Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсиялар ойига камида 150 сўм миқдорида белгиланади;

Ишловчи пенсионерларнинг пенсиялари олаётган иш ҳақидан қатъий назар тўла ҳажмда тўланади;

20 квадрат метргача миқдорда қўшимча уй-жой майдони олиш, шунингдек коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун белгиланган ҳақнинг 50 процентини миқдорида чегириш, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун ёқилғи қийматини ҳам 50 процент миқдорида чегириш ҳуқуқи берилади;

Улар ҳамма турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинади.

Ватан урушининг вафот этган инвалидлари хотинлари учун уй-жой ва коммунал хизмат ҳақини тўлашда уруш инвалидлари учун амалдаги қонунларда белгиланган имтиёзлар сақлаб қолинади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва уччала даража Шуҳрат ордени билан мукофотланган кишилар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш, қонунларда белгиланган имтиёз ва афзалликларнинг берилишини қатъий назорат қилиб туриш, уларнинг моддий-маиший шароитларини янада яхшилаш чораларини кўриш мажбуриятини юклади.

М. С. Горбачев Д. Лазар билан учрашди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1 апрелда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар билан учрашди. Д. Лазар Венгрия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилиб Москвага келган эди.

Сидқидиллик, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида Совет — Венгрия муносабатларининг аҳволига юксак баҳо берилди. КПСС билан ВСИП СССР ва Венгрия халқларининг ҳар томонлама алоқаларини кардошларча дўстлигини янада мустаҳкамлаш муттасил интилаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Бунда «Социализм йўлидан бораётган Венгрия» мавзуида Москвада очилган юбилей виставкасининг муҳимлиги қайд этилди. Бу виставка венгер халқи фашизмдан озод қилинганидан кейин ўтган 40 йил мобайнида эришган ютуқларни, мамлакатларимизнинг мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигини, ёрқин намойиш этмоқда.

СССР билан ВХР ўртасида 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш узоқ муддатли программаси имзоланганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Бу программа иккала мамлакатнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги иқтисодий кенгаши қарорларини бажариш соҳасида янги муҳим қадам қўйилганлигини билдиради.

М. С. Горбачев ВСИП XIII съездининг қарорларини бажаришда Венгрия коммунистларига, меҳнаткашларига катта муваффақиятлар тилади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИШ ВА УЛАР СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, республика совет ва хўжалик органлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X ва XVI пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, аҳолини халқ истеъмоли моллари билан янада тўлароқ таъминлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида бир қатор йирик саноат корхоналари қурилди, янги цех ва участкалар ташкил этилди, харидоргир моллар ишлаб чиқарувчи кўпгина корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди. Ўтган йили халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳасига қўшимча суръатда халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги 128 саноат корхонаси жалб қилинди.

Кўрилаётган чоралар тўрт йил ичида истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни 28,6 процент ёки топшириққа нисбатан 3 процент кўпайтириш, пландан ташқари 1 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш аҳолининг кийим-кечак, пойабзал, тўқимачилик галантереяси, хўжалик ва рўзғор буюмларининг кўпгина турларига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис қондириш имконини берди.

Молларнинг ассортименти анча кенгайди ва янгиланди, уларнинг сифати бир мунча яхшиланди. Беш йилликнинг ўтган даврида тикилган ва трикотаж буюмлар, пойабзал, газлама ва бошқа молларнинг 12 мингдан ортиқ янги моделлари, фасон ва структуралари ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1984 йилда 471 миллион сўмлик ёки 1983 йилдагидан 14 миллион сўмлик кўп «Н» индексидаги яхши сифатли янги маҳсулот чиқарилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд этадики, Ўзбекистон ССР Енгил, Мебель ва ёғочсозлик, Маҳаллий, Озиқ-овқат, Мева-сабзавот, Қишлоқ хўжалиги ва Ўрмон хўжалиги министрликлари, иттифоққа бўйсунувчи баъзи бирлашмалар ва корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш учун мавжуд резервлардан тўла-тўкис фойдаланмаётирлар, ассортиментни янгилаш ҳамда харидоргир бўлган янги буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал этмаяптилар.

Айрим халқ депутатлари область, шаҳар ва район Советлари зарур молларни ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш, бу ишни уйғунлаштириш ва контроль қилиш соҳасида ўзларига берилган қўйилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаяптилар, бу масалаларни камдан-кам қараб чиқмоқдалар, кўпинча уларни ҳал қилишга юзаки, расмий ёндашмоқдалар.

Айниқса саноатнинг тўқимачилик тармоғида ишлаб чиқариш қувватларидан қониқарсиз фойдаланиш фактларига йўл қўйилмоқда, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш суст амалга оширилмоқда. Кўпгина ҳолларда «Б» группаси тармоқларини ривожлантириш учун ажратилаётган капитал маблағлар тўлиқ ўзлаштирилмаяпти, истеъмол буюмлари чиқаришга мўлжалланган айрим объектлар қурилиши асоссиз кечиктириб юборилмоқда.

Кўпгина халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроком лари министрлик ва идораларнинг маблағларини асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ қурилишлар учун ажратаётганликларига тоқат қилиб келмоқдалар, территорияларни комплекс ривожлантириш ҳақида, уй-жойлар, социал-маданий-маиший объектлар барпо этиш, инфраструктурани уйғун ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмаяптилар.

Оғир саноат ва машинасозликнинг айрим корхоналари, бир қатор ихтисослашмаган министрликлар ва идоралар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳали ҳам секинлик билан кўпайтирмоқдалар. Ҳамма ерда ҳам бундай моллар ишлаб чиқарувчи ихтисослашган цехлар ва участкалар яратилган эмас.

Бир қанча енгил, мебель, маҳаллий саноат ва озиқ-овқат саноати, мева-сабзавот хўжалиги, шунингдек иттифоққа бўйсунувчи оғир саноат корхоналари белгиланган ҳажмда ва номенклатурада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планларини мунтазам суръатда бажармай келмоқдалар, уларнинг стандартлар ва техника шартлари бузиб чиқарилишига йўл қўймоқдалар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари сифатсиз ҳамда аҳоли сотиб олмаётган моллар етказиб беришга йўл қўймаслик соҳасида саноатга ҳали ҳам бўш таъсир кўрсатмоқдалар.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг совет халқи фаровонлигини ошириш ва аҳолининг сифатли халқ истеъмоли молларига бўлган талабини янада тўлароқ қондиришга доир талабларидан келиб чиқувчи вазифаларга асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари, иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, улар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасидаги ташкилотчилик ишини кучайтирсинлар, аҳолининг талаби тўла қондирилмаётган молларни чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берсинлар. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни планлаштириш чоғида савдо ташкилотларининг буюртмасига қаттиқ риоя қилсинлар, молларнинг эскириб қолган конструкцияларини, фасонларини ва моделларини ишлаб чиқарилишига йўл қўймасинлар. Меҳнатнинг касаба ва бригада формаларини ривожлантириш ишлари активлаштирилсин.

2. Халқ депутатлари Советлари ўзларига қарашли корхоналар раҳбарларининг жавобгарлиги оширилсин.

3. Область ижрокомлари, Ўзбекистон ССР Енгил, Озиқ-овқат, Гўшт ва сут саноати, Мева-сабзавот хўжалиги министрликлари, балиқчилик хўжалиги Давлат комитети ўзларига қарашли корхоналар ишидаги мавжуд жиддий камчиликларни бартараф этиб, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча яхшилаш, ҳар бир корхона планни барча кўрсаткичлари бўйича ҳеч сўзсиз бажариши юзасидан амалий чоралар кўрсинлар. Товарларни савдо ташкилотларига етказиб бериш юзасидан олинган шартнома мажбуриятларининг тўла бажарилиши устидан контроль кучайтирилсин, пойабзал, тикувчилик, трикотаж ва бошқа буюмларнинг сифати анча яхшиланиши, шунингдек ишлаб чиқаришнинг аҳоли кўплаб талаб қилаётган янги молларни тайёрлашга оператив суръатда ўтказиши таъминлансин. Қайта ишлаш учун келаётган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва хом ашёдан янада оқилона фойдаланилишига, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинишига эришилсин. Майда қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар ва парҳез таомлари, мева консервалари, жемлар, мураббо, шарбатлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Товар балиқчиликни ривожлантириш учун самарали чоралар кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги қулай бўлган комплект мебель ишлаб чиқаришни кўпайтирсин, аҳоли талабини ўрганишни кучайтирсин. Мебелни намуналар бўйича олувчиларга бевосита корхоналардан етказиб бериш ташкил қилинсин.

Маҳаллий саноат министрлиги савдода етишмаётган энг оддий рўзғор ва хўжалик молларини ишлаб чиқаришни кўпайтирсин, бунинг учун маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан энг кўп даражада фойдалансин. Тармоқ корхоналарини бундан буён ҳам техника билан қайта қуроллантириш, ихтисослаштириш ва концентрациялаш, уларни икки сменали ишга ўтказиш, халқ бадиий ҳунармандчилигини, меҳнатнинг касана формаларини янада ривожлантириш учун зарур чоралар кўрилсин.

Қурилиш министрликлари ва идоралари, буюртмачилар бўлган халқ депутатлари Советлари ижрокомлари, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлардан олиб қўйилишига йўл қўймасинлар, қурилиш раҳбарларининг қувватлар ўз вақтида ишга туширилиши ва уларнинг ўзлаштирилиши учун маъсулияти оширилсин.

4. Халқ депутатлари Советлари, Ўзбекистон ССРнинг ихтисослашмаган министрлик ва идоралари, иттифоққа бўйсунувчи бирлашмалар ва корхоналар истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш учун янги цех ва участкалар ташкил қилсинлар, идораларо кооперацияни янада кенгроқ ривожлантирсинлар, иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига моллар ишлаб чиқаришнинг ўсишига муттасил эришиб борсинлар. Халқ хўжалиги барча тармоқларининг корхоналарини, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга жалб этсинлар, улар ишини қаттиқроқ контроль қилсинлар, бу масалаларни сессияларда, ижрокомлар ва доимий комиссиялар мажлисларида мунтазам қараб борсинлар.

Истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ходимларига маданий-маиший, транспорт ва савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, улар учун уй-жойлар, мактабгача тарбия муассасалари, маиший хизмат объектлари, профилакторийлар, дам олиш зоналари, ёрдамчи хўжаликлар қуриш ва уларни фойдаланишга топширишни тезлаштириш чоралари кўрилсин.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва савдо комиссиялари ишининг самарадорлиги оширилсин, уларнинг аҳолига керакли маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, унинг ассортиментини кенгайтирилишига ва сифати яхшиланишига кўрсатаётган таъсири кучайтирилсин.

5. Ўзбекистон ССР нарҳлар Давлат комитети муваққат чакана нарҳларни асосли суръатда белгилаш ишини ва бу нарҳларни сифати яхшиланган ноозиқ-овқат молларга нисбатан уларнинг янгилигини, оригиналлигини ҳамда модасининг йўналишини ҳисобга олган ҳолда табақалаштиришни кучайтирсин, болаларга мўлжалланган молларнинг чакана нарҳлари асоссиз ўсишига йўл қўймасин.

6. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, халқ депутатлари Советлари ижрокомлари аҳолининг халқ истеъмоли молларига бўлган талабини ўрганишни муттасил такомиллаштириб борсинлар. Товар ресурсларининг жойлаштирилишидаги камчиликларни зудлик билан бартараф қилсинлар, савдони ташкил этишни янада яхшилаш ва савдо маданиятини ошириш, магазинлар тармоғини кенгайтириш, харидорларга хизмат кўрсатишнинг илғор усулларини жорий қилиш чораларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон ССР Госплани, Госснаби, Узглавлегснабсбит, Узглавпишчеснабсбит, Узтекстильторг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар, бирлашмалар ва корхоналар учун моддий-техника ресурсларини планлаштириш ва сотишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чоралар кўрсинлар.

8. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш юзасидан билдирилган мулоҳазалар ва таклифларни қараб чиқсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети қатъий ишонч билдирадики, республиканинг совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органлари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари, партия ташкилотлари раҳбарлигида халқ учун зарур бўлган моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, уларнинг ассортименти ва сифатини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар, 1985 йил ва умуман беш йиллик планлари ҳамда топшириқларини ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажариш, КПСС XXVII съездини ва совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил, 30 март.

СОВЕТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

1—2 апрель куни Тошкентда район ва шаҳар халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари раисларининг республика семинар-кенгаши бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев кириш нутқи сўзлаб семинарни очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов социалистик демократияни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда халқ депутатлари Советларининг фаолиятини кучайтириш тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг доклади КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель ва 1985 йил март Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари асосида маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг иш услуби ва методларини такомиллаштиришга ҳамда уларнинг партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга меҳнат коллективларини сафарбар этиш соҳасидаги вазифаларига бағишланди.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов аҳолига савдо хизмати ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳамда уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султоновнинг докладида мактаб ислоҳотини амалга оширишда, маданият муассасаларининг меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини яхшилашда маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг роли ёритиб берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов план интизомини янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий таълимни яхшилаш борасида республика маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари молиявий интизомни мустаҳкамлашда маҳаллий Советларнинг иши ҳақидаги, республикада социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни такомиллаштириш, халқ хўжалигида ҳуқуқий ишни кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги докладларни ҳам тингладилар. КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари асосида агросаноат комплексига раҳбарликни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифалари тўғрисида ҳам докладлар қилинди.

Семинар қатнашчилари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, СССР Олий Совети Президиумининг масъул ходими В. П. Жданов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—амалда

Хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини яхшилайлик

ХЎРАНДАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Ишчи ошхонаси. Меҳнат коллективининг ишлаб чиқариш натижаларини бу ерда хизмат кўрсатиш қандай ташкил этилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни Киров район ошхоналар трестида яхши билишади ва овқатланиш цехларни ишини мунтазам такомиллаштиришга интилишяпти. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти ошди, тушликка кетадиган вақт камайди, демак танаффусда яхши дам олиш имконияти пайдо бўлди. Ишчилар смена тугагандан кейин кулинария магазинидан харид қилинган нарсаларини олиб кетишади. Бу ерда таомлар тайёрлаш учун зарур масаллиқлар бор. Бу — хотин-қизларнинг вақтини тежайди, уларнинг уйдаги ишларини енгиллаштиради.

Кулинария ва кондитерлик маҳсулотларини сотиш бўйича кўргазмалар ташкил этишга кўп эътибор қаратиляпти. Бевосита корхоналар ва ташкилотларда, кўчаларда ва майдонларда ташкил этилган буфетларни кўриш мумкин. Харидорлар умумий овқатланиш корхоналарининг хилма-хил маҳсулотларини танлаб оладилар. Буларнинг ҳаммаси район меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш маданиятни ва сифатни оширишга ёрдам беради.

(Киров район ошхоналар трестининг аҳолига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича ишлари ҳақидаги материални 2-саҳифада ўқийсиз).





• Бошланғич партия ташкилотларида

ЮКСАК ТАЛАБЛАР АСОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг март пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан янада тўлароқ фойдаланиш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, илғор иш усулларини кенг ёйиш ва жорий этиш асосида меҳнат интизомини оширишни талаб этди. СССР Меҳнат ва соцнал масалалар давлат комитетига қарашли меҳнат илмий-текшириш институти Ўзбекистон филиалининг олимлари коллективи бу борада корхоналарга ёрдам кўрсатмоқда. Айниқса кенг миқёсдаги иқтисодий эксперимент шароитларида иш олиб боришда олимлар ишлаб чиққан тавсиялар муҳим аҳамият касб этяпти. Масалан, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарнинг фаолиятини ўрганиш ва иш тажрибаларини умумлаштириш иқтисодий экспериментга онд илмий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Илғор иш усулларини пропаганда қилиш ва жорий этишда бу институт олимлари билан бир қаторда ТошПИ, «СредазНИИпищепром» институти олимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Сиёсий иқтисод кафедраларининг ўқитувчилари «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, кўн-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмасида экономика бўйича лекторийларга бошчилик қилмоқдалар. «Матбуот» бирлашмасида, бадиий буюмлар фабрикаси партия ташкилотлари ҳам олимлар билан ҳамкорликка муҳим эътибор беряпти.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР РУҲИДА

Янгича анъаналар ва урф-одатлар тобора мазмундор бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида унга катта эътибор қаратилган эди. Октябрь районидаги Маяковский, А. Ҳўжаев, Янгишаҳар ва бошқа кўпгина маҳаллаларида чақирилувчилар куни, янги паспорт топшириш тантаналари ва бошқа тадбирларни революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати анъаналари руҳида ўтказишга муҳим эътибор қаратилмоқда. Масалан, чақирилувчилар кунида Туркистон ҳарбий округининг аълочи жангчилари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари қатнашмоқдалар. Кўпгина жойларда янги анъана ва урф-одатларни жорий этиш советларни ишлаб турибди.

НУҚСОНЛАРГА МУРОСАСИЗЛИК

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга, салбий ҳолатларга қарши аёвсиз ўт очди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ана шу асосда кенг миқёсда иш олиб бормоқдалар. Кўн-галантерея ва спорт буюмларни ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам ижобий тажрибаларни мустаҳкамлаган ҳолда тартиб, интизом ва уюшқоқликни оширишга биринчи галда эътибор бериляпти. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан бирлашмада бир қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Интизомни бузаётганларнинг номлари «Чақмоқ»-ларда ва фотовитринада барчага ошкор қилиняпти, цехларда меҳнат интизоми бўйича натижалар мусобақани якунлашда албатта ҳисобга олинмоқда. Мунтазам равишда ўтказилмоқда, интизомни бир неча бор бузганлар билан шахсий суҳбатлар ўтказиляпти, улар мукофотлардан маҳрум этилмоқдалар. Кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш борасида ҳам муайян ишлар қилиняпти. Жамоатчи кадрлар бўлими бу борада ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Буларнинг ҳаммаси дастлабки ижобий натижаларни бермоқда.

• Иш самарадорлиги ва сифатини оширайлик

БРИГАДАЛАР ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Чилонзор район саноат корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулини жорий этишнинг бориши масаласи муҳокама этилди. Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, район меҳнат коллективларида илғор системанинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ижобий таъсир кўрсатади. Бригадалар ташкил этиш, уларга ҳақ тўлаш, маънавий, моддий рағбатлантириш учун тегишли қоидалар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларда барча корхоналар тармоқ ва тармоқлараро характердаги методик ҳужжатлар, юқори ташкилотларнинг буйруқлари билан таъминланган.

Шу билан бирга текшириш шуни кўрсатдики, бу масалада «Промсвязь», электр рўзғор буюмлари заводларида, 2-пойафзал фабрикасида, «Ўзбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида, 3-нон заводида жиддий нуқсонлар бор. Техник-иқтисодий планлаштиришнинг узлуксиз системаси цехлар, участкалар, бригадалар иши кўрсаткичининг ягона системаси билан бошланғич бўлинмаларга етказилмаган. Шу муносабат билан бригадаларнинг айрим коллективлари томонидан тасдиқланган план топшириқларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 200 процент ва ундан кўпроқ қилиб тасдиқлаш фактлари содир бўлган.

Бу корхоналарда бригадалар юзага келтириш зарур бўлган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илғор системаси элементи эмас, балки мустақил ташкилий структура сифатида қаралади. Натижада корхона бўйруғи билан тасдиқланган бир қатор тадбирлар амалда бажарилмай қолади. Бригадалар ишининг бир маромда бўлишини инженерлик жиҳатидан таъминлаш даражаси маълум даражада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор усулининг замонавий талабларидан ортда қолди, унинг сифат жиҳатидан янада ривожланишини тўсиб қўйди.

«Промсвязь», электр рўзғор буюмлари заводлари, 3-пойафзал фабрикаси, «Ўзбитпластик» бирлашмаси, 3-нон заводи бригадалар совети сингари жамоат ташкилотининг обрўси ва имкониятларини яхши баҳолашмаяпти. Коллективлар ўз ишлаб чиқариш планларини бажаролмаётганликларига олиб келаётган сабаблар каторида корхона бригадирлари совети йўқлиги ҳам бор. Масалан, 2-пойафзал фабрикасида шу йилнинг январь ойида бригадаларнинг 60 процента топшириқни бажара олмади.

Корхоналарда бригада хўжалик ҳисоби принципи жуда суст жорий этиляпти. Бунга энергетика ресурслари, хом ашё материалларнинг асосий турларига техник асосланган нормативлар йўқлиги тўғаноқ бўлаяпти. Бундан ташқари бригадалар томонидан хўжалик ҳисоби кўрсаткичларини планлаштиришдаги, уларнинг бажарилишини назорат қилишдаги нуқсонлар ҳам сабаб бўляпти.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари томонидан бригадаларни шакллантиришга, улардаги коммунистлар сафини ўстиришга партиявий таъсирни кучайтириш учун таъсирчан тадбирлар белгилаш керак. Саноат корхоналари марказий комиссияларн меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини жорий этилишини инженерлик ва идеологик жиҳатидан таъминлашни етарли назорат қилишмаяпти.

Партия комитетлари ишидаги мавжуд нуқсонлар Чилонзор район партия комитети, унинг бўлимлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда бошланғич партия ташкилотларига етарли ёрдам кўрсатмаётганликлари сақибатидир.

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича район комиссиялари қониқарли ишламаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссияси мажлисида, шунингдек Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги ва «Қизил тонг» тикувчилик бирлашмалари коллективлари тузилган шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш планларини бажаришлари масаласи қараб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов шаҳар комиссияси ишига якун ясади.

Муҳокама этилган масала бўйича қайд этилган камчиликларни тугатишга қаратилган тавсияномалар қабул қилинди.

В. ЛИ,
иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссиясининг масъул секретари.

В. СЕРГЕЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

РОБОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Днепродзержинск (Днепропетровск области). Днепродзержинск электрик ижроия механизмлари заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошлаган автомат манипуляторлар машаққатли оғир жараёнларни механизациялашда ёрдам беради. Дастлабки саноат роботлари истеъмолчиларга юборилди.

Манипуляторлар 150 килограммгача бораднган деталларни станокка ўрната олади, уларга ишлов берилгач, яна тушириб олади, бошқа юк ортиш-тушириш ишларини ҳам бажара олади. Заводда йил охиригача 300 та манипулятор тайёрлаб чиқариш мўлжалланган.

Шаҳарнинг энг ёш корхонаси ишламоқда ва қурилмоқда. Бу ерда шу йил иккинчи комплекс ишга туширилгач, янги классдаги электрик ижроия механизмлари ишлаб чиқарила бошлайди. Улар анча нарида қабул қилинадиган командаларни бажара олади, одам учун зарарли ва оғир шароитларда ҳам ишлай олади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР



ВЕНГРИЯ. Будапештдаги асаларичилик фабрикасида кўплаб шириншакар маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда бу ерда тайёрланган маҳсулотлар бир қатор чет эл мамлакатларида ҳам машҳурдир. «Хунгаронектар» маркаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар мунтазам харидорлар томонидан илиқ қарши олиняпти.

СУРАТДА: фабрика цехларида.

• Социализм мамлакатларида

ЁШЛАР ҚИШЛОҚҚА ҚАЙТИБ КЕЛИШМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгрия социологлари кейинги йилларда мароқли бир ҳодисани қайд этдилар. Уларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, шаҳарлардан қишлоқларга қайтиб, давлат хўжаликлари ва кооперативларда ўзлари учун иш танлаб олаётган йигит ва қизларнинг сони ортиб бораяпти.

Ҳозирги вақтда республика қишлоқ хўжалигида 230 минг йигит ва қиз, яъни ВХР қишлоқ хўжалигининг шу соҳасида банд бўлган барча кишиларнинг учдан бир қисми ишлаб турибди. Қишлоқ ёшларининг меҳнат ва турмуш шароитлари тубдан яхшиланганлиги ана шу ижобий жараёнга катта таъсир кўрсатди. Қишлоқ хўжалик кооперативлари ёшларга тобора кўп имтиёзли кредит ва ер участкалари бермоқда, уй-жой қуриш ва томорқа хўжалигини йўлга қўйишга кўмаклашмоқда.

Қишлоқда ёшларнинг роли ўсиб бориши билан уларнинг ижтимоий фаолияти ҳам юксалмоқда. Қишлоқ йигит ва қизлари орасида Венгрия коммунистик ёшлар союзининг аъзолари тобора кўпаймоқда. Қолоқ хўжаликларга ёрдам бериш, турли пудрат ишларини бажариш ҳаракатида қатнашиш — қишлоқ комсомолларининг яқинда кўрсатган муҳим ташаббусларидан бири бўлди.

ВЬЕТНАМ ВИЛОЯТИГА ОРДЕН

ХАНОЙ. Вьетнам социалистик республикасининг Зялай-Контум вилоятининг америкалик агрессорларга қарши курашдаги хизматларини, иқтисодий, социал ва маданий қурилишда, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган муваффақиятларини Олтин юлдуз ордени билан тақдирлади.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўн йил илгари кенг қўламдаги «Тэйнгуен» операциясини ўтказиш натижасида Зялай-Контумни америкапараст қўғирчоқ режимдан озод қилган эдилар. Вилоят ерини кесиб ўтган ва тилларда достон бўлиб қолган Хо Ши Мин йўли ана шу ғалабани қўлга киритишда катта роль ўйнади. Бу ерда уни «ҳаёт йўли» деб атадилар. Америка авиацияси ташлаган бомбалар ҳам, напалмлар ҳам ана шу асосий транспорт йўлидаги ҳаракатни тўхтата олмади.

Хо Ши Мин йўли тинч қурилиш йилларида ҳам Вьетнамнинг марказий платосидаги йўл ва кўприк иншоотлари Хо шохобчаларининг асосий йўли бўлиб қолди. Улар илгари қадам босиб бўлмайдиган тоғлик жойларга, янги иқтисодий районларга йўл очиб берди. Озодликка эришилиши биланоқ ана шу районларни ўзлаштиришга киришилди. Булар тинч давр йўллари бўлиб, миллий қурилиш, халқ хўжалигини ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга, бу ерда яшовчи элатларнинг маданий турмуш даражасини оширишга, мамлакат ижтимоий ҳаётида уларни актив қатнаштиришга хизмат қилмоқда.

ХАЛҚ УЧУН КЎПРОҚ МОЛ ТАЙЁРЛАНАДИ

ПХЕНЬЯН. Бу ерда енгил саноат ходимларининг республика кенгаши бўлиб ўтди. Энг зарур молларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва уларнинг хилларини ошириш масалалари кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Сўзга чиққан нотиқлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, машина — ускуналардан самарали фойдаланиш, илғорларнинг тажрибасини кенг қўлланиб ишлаб чиқаришни бошқариш системасини такомиллаштириш зарур эканлигини айтдилар. Хўжалик ҳисоби системасини жорий этиш хом ашёни тежаш, материалларни сарфлаш нормаларини камайтириш — қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим усулларидан биридир.

Кенгаш энг зарур молларни ишлаб чиқарувчи айрим цех ва бригадаларни бошқа тармоқларнинг саноат корхоналарида вужудга келтириш соҳасидаги тажрибани маъқуллади. Бу чора давлатнинг қўшимча маблағларини сарфламай, аҳолининг энг зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини беради.

ҲОМИЙЛИК ҚИЛМОҚДА

МАПУТУ. ЖАР маъмурлари Жанубий Африка территориясидан туриб Мозамбикка қарши иш кўраётган «Мозамбик миллий қаршилиги» деб аталувчи тўдаларнинг жиноий фаолиятига ҳомийлик қилмоқда, деди бу ерда республика президенти Самора Машел. Претория режимини ўтган йил март ойида иккала мамлакат ўртасида тузилган «Нкомати битими»нинг асосий қоидаларига риоя этмаслиқда айблади. Шу битимга кўра, ЖАР Мозамбик миллий қаршилик тўдаларини қўллаб қувватлашни тўхтатиш мажбуриятини олган эди. Лекин бу битим мақсадларига ҳозиргача ҳам эришилгани йўқ, деди президент. С. Машель ЖАР территориясидан Мозамбикка қарши кенг империалистик фитна мавжудлигини уқтириб ўтди.

• ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

САВДО-СОТИҚ—ТИНЧЛИК ВОСИТАСИ

Американинг Дарем шаҳрида Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлик мавзуига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция АҚШнинг савдо-сотиқ доиралари Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳар томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилишидан манфаатдор эканлигини кўрсатди. Конференцияда 200 га яқин таниқли Америка бизнесменлари, шу жумладан йирик компаниялар директорлари кенгашларининг президентлари ва раислари қатнашдилар. Конференциядаги нутқларда ўзаро манфаатли Совет-Америка савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришнинг жуда катта имкониятлари борлиги, бу имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Кейинги вақтда АҚШда шу хил фикрлар тезтез билдирилаётган бўлиб қолди. Табиийки, Америка савдо-саноат доиралари савдо-сотиқ тинчлик воситаси бўлиб, халқаро вазиятни барқарорлаштиришга, тинчликни мустаҳкамлашга ва шу тариқа иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ёрдам беришини яхши тушунадилар. Америка бизнесменлари Совет Иттифоқи иқтисодий қудрати тинмай юксалиб бораётганлиги ва совет томони ўз мажбуриятларини ҳамиша оғишмай бажаришга тайёр эканлиги туфайли савдо-саноат алоқалари соҳасида ишончли шерик эканлигига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, кейинги вақтда АҚШнинг ташқи савдо аҳволи анча мушкуллашди. Қўшма Штатлар ўтган йилни савдо балансида жуда катта —123 миллиард доллар камомат билан тугатди. Бу эса ҳарбий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмай, экспорт билан шуғулланувчи компаниялар аҳволига жуда катта салбий таъсир кўрсатиб, ана шу соҳалардаги бусиз ҳам жуда кўп ишсизларнинг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Америка савдо-саноат доиралари АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқига нисбатан кўраётган савдони чеклаш соҳасидаги чоралар Вашингтон истаётганидек, совет экономикасининг ривожланишига ҳалақит бераолмаслигини яққол кўриб турибдилар. Буниңг устига Америка экономистлари Совет Иттифоқи урушдан кейинги ўн йилликларда ривожланиш суръатлари жиҳатидан АҚШдан икки баравардан кўпроқ илгарилаб кетганлигини ҳисоблаб чиқишди.


Ва, ниҳоят, Америка компаниялари эгалари ўтган йили АҚШнинг кўпол тазйиқига қарамай, Ғарбий Европадаги мамлакатлар, бошқа капиталистик давлатлар Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни камайтириш ўрнига ўзаро ҳажмни 2 баравар оширишга эришганликларини ҳам гувоҳи бўлдилар. Бундан эса Америка фирмалари зарар кўрдилар, чунки совет буюртмалари уларга эмас, балки уларнинг Ғарбий Европадаги ва бошқа рақобатчиларига берилди. Даремдаги конференцияда, масалан, Вашингтоннинг социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ соҳасида «совуқ уруш» сиёсатини ўтказаётганлиги натижасида «Катерпиллер трактор», «Контрол дейта» сингари ва бошқа компаниялари юз миллионлаб долларлик зарар кўрдилар.

Буларнинг ҳаммаси нима учун Америка савдо-саноат доиралари ҳарбий-саноат комплексининг, Америка маъмуриятининг қаршилигига қарамай, Совет—Америка савдосини кенгайтиришни кўпроқ ёқлаб чиқаётганликларини тушуниб олишга ёрдам беради.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳчиси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА





Хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини яхшилайлик

ХЎРАНДАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Хўрандаларга имкони борича кўпроқ қулайликлар яратиш, уларга ҳамиша эътиборли бўлиш — булар Киров район ошхоналар трестининг диққат марказида турибди. Шу боисдан ҳам хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти анча яхшиланди.

Ушбу фактни ошхоналар трестининг директори Ҳ. К. КАРИМОВ шарҳлайди:

—Партия ва ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш соҳасига юқори талаблар қўйилаётгани ҳаммага маълум. Ошхона, кафеда хўрандага қандай муносабатда бўлинганн кўп нарсага боғлиқ. Кишининг кайфияти ҳам, ишлаб чиқаришдаги самарали меҳнати ҳам ана шунда. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаб этганидек, хизмат кўрсатиш формаларини мунтазам такомиллаштиришга интиляпмиз, кадрларни тарбиялаш масалаларига доимий эътибор бериб, раҳбарларга талабчанликни оширяпмиз.

Албатта, ҳали ишимизда камчиликлар ва нуқсонлар бор. Тез-тез савдо қоидаларини бузувчиларга, енгил бойлик орттириш ишқибозларига дуч келишга тўғри келяпти. Лекин суиистеъмол қилиш ҳолларини муросасизлик билан йўқотиш, совет кишиларига хизмат кўрсатилишини янада яхшилаш бўйича партия линияси ўз самарасини беряпти.

Бизнинг олдимизга, аввало саноат корхоналари қошидаги ошхоналар ишини талаб даражасига кўтариш вазифаси қўйилган эди. Ишни ана шу ошхоналарни ўз ишини яхши билган мутахассислар билан мустаҳкамлашдан бошладик. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун зарур шарт-шароит яратдик — ошхоналарни замонавий савдо технологияси жиҳозлари билан таъминладик.

Районда 18 та ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган. Ҳозир уларда ишловчиларнинг 92 процента бизнинг ошхоналарда овқатланишади. Кўрсаткичлар яхши, айни пайтда ишчи ва хизматчилар овқатланиш цехига хушнудлик билан келишади. Бу ерда уларга барча қулайликларни яратишга интилишади. Хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, тозалик ва тартибни сақлаш масалалари трест мутахассислари ва раҳбарларининг диққат марказида турибди.

«Ўзбексельмаш» заводи, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги ошхоналарнинг чиройи очилди. Савдо залларининг ички жиҳозлари дид билан жойлаштирилган, уларни пардозлашда замонавий қурилиш материалларидан, ганч ўймакорлигидан фойдаланилган.

Кўпгина саноат корхоналарида кулинария ва масаллиқлар магазинлари бор. Ишчилар тушлик танаффусда, смена тугагандан кейин улардан ўзларига зарур маҳсулотларни харид эта оладилар. Уларда хамир, тозаланган пиёз, котлет, палов ва бошқа таомлар тайёрлаш учун масаллиқлар бор. Бундан ташқари ҳамиша турли-туман пиширйқлар, тортлар, пирожкиларни харид қилиш мумкин.

Ишлаб чиқариш коллективларига хизмат кўрсатилишини яхшилашда корхоналарнинг ўзлари катта ёрдам кўрсатишяпти. Чунончи, «Ўзбексельмаш»да социал-маданий тадбирлар фондидан ажратилган маблағлар ҳисобига тушлик қиймати арзонлашди. Бу, айниқса, кечки ва тунги сменада ишловчиларга фойдали бўлди. Парҳез таомлар ҳам унутилмади, бундай овқатланиш ҳамма саноат корхоналарида ташкил этилди. Парҳезда бўлган кишилар таблари тусаган таомни харид этиш имкониятига эгалар.

Яна бир муҳим нарса шуки, тушлик қилишга кетадиган вақтнинг тежалиши катта аҳамиятга эга. Ишчилар ошхоналарда навбат кутиб қолмасликлари учун хизмат кўрсатишнинг иқтиқболли формалари жорий этилди, комплекс тушликлар сотиш ташкил этиляпти. Шу туфайли меҳнатчилар дам олиш учун етарли вақт тежаляпти.

Қурувчиларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги бор. Улар қураётган объектларда барча талабларга жавоб берувчи стационар ошхоналар очиш имконияти йўқ. Шунга қарамай, овқатланишни ташкил этишни такомиллаштириш чоралари кўриляпти. Биз «Главташкентстрой» раҳбарлари билан биргаликда ушбу масаланинг барча томонларини атрофлича муҳокама қилдик, конкрет тадбирлар белгиладик, ҳозир шу тадбирлар амалга оширияпти.

Райондаги 13 та қурилиш объектида иссиқ овқат ташкил этилди. Мослаштирилган хоналарда, вагонларда, вақтинча айвонлар остида ошхоналар, буфетлар очилди, чанқовбосди ичимликлар, сут маҳсулотлари сотиляпти.

Мактаб ошхоналарига алоҳида эътибор бериляпти. Ўқувчиларни арзон, калорияси юқори турли-туман таомлар билан таъминлаш ғоят муҳим деб ҳисоблаймиз. Буларда ҳам овқатлар сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатилган, хизмат кўрсатишнинг истиқболли усуллари жорий этиляпти.

Албатта, район умумий овқатланиш корхоналари ишида ҳали фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар кўп, камчилик ва нуқсонлар бор. Овқатланиш цехлари барча бўғинларининг ишини такомиллаштириш бўйича ишларни давом эттириш, хўрандалар ошхоналар ва кафелардан яхши кайфият билан чиқишларига эришмоғимиз лозим бўлади.

СУРАТЛАРДА: «Технолог», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли ишлаб чиқариш бирлашмалари, 97-мактаб ошхоналарида ва парҳез таомлар ошхонасида.

Т. Каримов фотолари.





БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ибратли умр

Минбарга РСФСР Давлат ва Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, «Детская литература» журналининг бош редактори Сергей Петрович Алексеев кўтарилди.

— Шу залда ўтирганлардан бири Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири, тарих фанлари кандидати, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Султон Исломович Аҳмедов билан бир полкда жанг қилганмиз, — деди у.

Султон Исломович миннатдорчилик маъносида ўрнидан турди. Тошкентда ўтаётган Бутуниттифоқ совет адабиёти фестивали қатнашчиларига эгилиб таъзим қилди. Минбарга қараб раҳмат, деб қўйди. Лекин унинг овозини гулдирос қарсаклар босиб кетди.

— Ушанда ёш эдик, — давом этди Сергей Петрович.— Фақат бир нарсани— мамлакатимиз территориясидан ифлос газандаларни қувиб чиқариш, халқлар озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишни ўйлардик. Суткалаб оч қолдик. Ботқоқликлар, дарёлардан ўтдик. Хулпас, социализм ғалабаларини сақлаб қолишга ҳамма қатори ҳисса қўшдик. Кўриб турибсизлар, жамиятимиз бизларни кўкларга кўтарди, унвонлар, обрў, шон-шараф берди.

Залда яна қарсаклар янгради. Бу замондан миннатдорчилик, меҳнатга тан бериш ифодаси эди.

Султон Аҳмедов халқимиз бошига тушган мусибатни енгиллатиш ниятида қўлига милтиқ олди. Ушанда К. Е. Ворошилов номли Чкаловск ҳарбий авиация билим юртининг курсанти эди. Уқишни тугатишни эмас, олдинги маррага боришни лозим топди...

Ленинград ва Волхов фронтидаги аҳвол ҳал қилувчи паллага кирганди. 151-алоҳида ўқчи бригада составида ботқоқликдан ўтиш жойларини аниқлаш ҳақида буйруқ олди. Бир неча марта душманнинг олдинги маррасига боришга тўғри келди. Фашистларнинг мудофаа чизиғя қаердан ўтганлиги, ўқ отиш нуқталари, қамалнинг қайси участкаси бўш эканлиги ҳақида командирларга маълумот келтирди. Жасурлиги ва ҳозиржавоблиги туфайли ишончга сазовор бўлди.

1943 йилда КПСС сафига қабул қилинди. Ўшанда Султон Аҳмедов 20 ёшда эди. Қўмондонлик унга яна бир муҳим вазифа топширди. Комсорглик вазиятни тўғри баҳолаш, одил ҳулоса чиқаришни талаб қиларди. Энг асосийси тинка-мадори қуриган солдатларга ғалаба, албатта, биз томонда бўлишини тушунтириш керак.

— Фронтдаги аҳвол жуда мушкул эди, — дея эслайди Султон Аҳмедов. —1942 йилнинг охирларида сафимизга кўнгиллилар, янги полк, бўлинмалар келиб қўшилди. Қурол-аслаҳа ортилган машиналар, танклар кела бошлади. Ботқоқликдан ўтиш учун ёғочлардан кўп миқдорда улкан ва кичик соллар тайёрланди. Солдатларнинг оғирлигини камайтиришга ёрдам берувчи мосламалар тўқилди. Булар учун шох-шаббалар асосий материал эди. Революция бешиги Ленинград интиқомга тайёрланаётганди.

Оғир шароитда шахсий намуна кўрсатиш жуда муҳим эди. Буни коммунистлар яхши тушуниширди. Шунинг учун ҳам доимо олдинги маррада бўлишарди. Улар душман штабига тўсатдан ҳужум қилишар, солдат ва офицерларни асирга олиб, улардан душман қўшинлари ҳақида муҳим маълумотлар олишарди. Гоҳида қуршовга тушиб қолишар, 10 — 12 киши бир жойда доира шаклида мудофаа ташкил қилиб, муҳим ҳужжатлар, жонларини асрашарди. Асирга тушган офицерни ўзларидан ҳам эҳтиёт қилишарди. Чунки ҳужумга ўтиш учун зарур бўлган маълумотлар ўшалардан олинарди.




Навбатдаги разведка пайтида Султон Аҳмедов взводи анча олдинга ўтиб, душман территориясига кириб қолди. Фашистлар тўп, пулемётлардан ўқ ёғдириб пиёдаларни бош кўтартирмай қўйди. С. Аҳмедов ўзини ертўлага отди. Немисларнинг уч солдат ва бир офицери ўртасида пайдо бўлди. Бехтиёр автомат тепкисини босди. Офицерга ташланиб қўлини орқасига қайирди. Шундан кейин воқеани тушунди. Ертўлада душман штаби жойлашган экан. Штаб бошлиғини ўлдирмади. Икки сутка асради. Учинчи куни тунда уни қисмларимиз томон эмаклаб боришга мажбур қилди. Шу хизмати ва жасорати учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Шундан кейин қамални ёриб чиққан 151-алоҳида ўқчи бригаданинг зафарли юришлари бошланди. Унинг составида Германиядаги Анклан шаҳригача борди. Ғолиб сифатида она юрти Тошкентга қайтди.

Султон Аҳмедов актив тарғиботчидир. Ҳозирга қадар 60 га яқин номда илмий ишлари эълон қилинган. Уларда ватанпарварлик ва тинчлик ғояси илгари сурилган. У бориб лекция ўқиган шаҳарлар жуда кўп. Москва, Ленинград, Берлин, Брюссель, Льеж, София, Прага, Белград. Ҳаётдаги орзусига эришган Султон Аҳмедов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

М. ОТАХОНОВ.



Москвадаги «СССР 50 йиллиги» номли автоматик линиялар заводида ҳисоблаш техникасидан унумли фойдаланилмоқда. Бу ерда шу йилнинг бошидан бери электрон ҳисоблаш машинаси орқали хом ашё ва материаллардан фойдаланиш тартибга олинган. Электрон-ҳисоблаш машинаси керакли хом ашёни нафақат цех бўйича, ҳатто ҳар бир ишчига ҳам алоҳида белгилаб беради. Ҳозир бу ердаги ортиқча металларни чиқиндн ҳисобида ташлаб юборилмай, улар электрон ҳисоблаш машинаси «хотира»сида ҳисобга олинади. Шу асосда завод ишчилари бу йил иқтисод қилинган маҳсулот ҳисобига икки кун ишлаб беришга аҳд қилишди.

СУРАТДА: завод цехларида.



ЁДГОРЛИКЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Фотоахборот

Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг иккинчи илмий бўлимлари ходимлари шу кунларда кўҳна Самарқанд шаҳри территориясида ўзбек миллий халқ меъморчилигининг ноёб ва қайтарилмас тимсоли бўлган анъанавий турар жой биноларини ўрнатиш, таъмирлаш ва уларни ўлчаш бораснда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар.

Биринчи суратда [чапдан-ўнгга] лойиҳа бош архитектори В. А. Брюханов раҳбарлигидаги бир группа ходимлари шу кунларда кўҳна Самарқанд шаҳри территориясида ўзбек миллий халқ меъморчилигининг ноёб ва қайтарилмас тимсоли бўлган анъанавий турар жой биноларини ўрнатиш, таъмирлаш ва уларни ўлчаш бораснда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар.

Иккинчи суратда [олдинда] группа раҳбари И. Қаюмов, катта архитектор М. Ахроров ва техник архитектор У. Сотволдиевлар иншоот карнизларини кўздан кечиришмоқда.

А. Яҳёев фотоларн.



• Коинот ҳақида ўйлар

ОСМОНДАГИ ЁВУЗЛАР

Атом асри деб аталмиш асримиз инсоният тарихида мисли кўрилмаган ва кутилмаган янгиликлари билан кишини ҳайратга солаяпти. Мазкур янгиликларнинг яратилишида илмий-техника тараққиёти муҳим роль ўйнамоқда. Инсон қўл меҳнатини енгиллатишга қаратилган йирик техник ва энергетик қурилмалар, янги типдаги транспорт ва алоқа воситалари ҳамда халқ хўжалиги учун хизмат қилаётган сунъий космик аппаратларнинг ишга туширилиши цивилизациямиз тарихида муҳим босқич бўлди. Жамият тараққиёти эришган ютуқлар ва бойликлардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш планетамиз аҳолисининг эҳтиёжини тўла-тўкис қондиради, албатта.

Бироқ, тинчликнинг қадрига етмаган капиталистик дунёнинг «Сэм тоға»си мамлакати, инсониятнинг ақл-заковати яратган ютуқларни, меҳнаткаш-оммa яратган бойликларни инсоният манфаатига зид, унинг ҳаётига завол бўлувчи мақсадларда фойдаланмоқда. Улар меҳнаткаш халқ яратган бойликларни ядровий ҳамда химиявий бактериологик қирғин қуролларн яратишга совурмоқдалар. Афсуски, бу «снёсатдон»лар ўрмонга ўт кетса ҳўлу-қуруқ баравар ёнишини ҳозирча тушуниб етмаяптилар.

Планетамизнинг айрим бурчакларида очлик ва яланғочлик туфайли кунига ҳаётдан кўз юмаётган минг-минглаб бегуноҳ болаларнинг, уй-жойсиз қолаётган минг-минглаб онларнинг, ишсизликдан хор-зор бўлган миллионлаб бахтсизларнинг сабабчиси шу қирғин қуролларнинг «муаллиф»ларидир. Бунинг арифметикаси жуда содда бўлиб, қуйидаги мисоллар айтилганларга яққол далил бўлади.

1. Ҳар суткада планетамиз бўйича очликдан 40 мингга яқин бола вафот этади.

Айни пайтда ҳар куни планетамизда қуролланиш пойгаси учун ҳар минутда 1 миллион долларга яқин пул сарфланади. Агар ер курраси миқёсида ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариш бир ҳафтага тўхтатилса, инсоният учун бу тадбир ҳафтасига 10 миллиард доллардан ортиқ фойда келтирган бўлур эди. Ҳозирги замоннинг битта танкига кетадиган харажатга 36 та уч хонали квартираси бўлган уй қуриш мумкин. «МХ» типидаги қитъалараро ракета пулига эса 5 та ўртача катталикдаги касалхона бунёд этса бўлади. «Трайдент» типидаги сувости кемасига сарфланган маблағ 16 миллион болани бир йил ўқитиш учун бемалол етади. Ердан учириладиган оддий қанотли ракета 5,8 миллион, «F—14» самолётн 34,8 миллион, узоқдан сезиш ва тактик авнацияни бошқариш системаси («Е—3А» самолётн) 118 миллион, кўп мақсадли атом сув ости кемаси 581,8 миллион, ракетали крейсер эса 1 миллиард доллар туради. Мана сизга қуролланиш пойгасининг ҳунук оқибати!

АҚШ ҳукумати бошлиқлари космик фазони ҳарбий жангларнинг театрига айлантиришни планлаштирмоқдалар. Орбитал «Колумбия» кемаси астронавтлари билан учрашувда Рейган бу режалар ҳақида гапириб, «АҚШ хавфсизлигини таъминлаш»ни мақсад қилиб маъмурият космосда урушишга тайёргарлиқ кўраверади, деди. Янги типдаги космик қурилларни ишлаш мақсадида иш юритиб, АҚШ баллистик ракеталарни ишдан чиқарадиган лазер қурилмалар тайёрлади. Лазер қурилмаларини тадбиқ қилиш бўйича Пентагон йилига 300 миллион доллар сарфламоқда. Космик лазер қурилмаларини ўз паноҳига олган сенатор Малькольм Уоллонинг маълум қилишича, лазер қурилмаларини яратиш ва космосга чиқариш программаси 50—60 миллион доллар атрофида баҳоланади. АҚШ 1985 йилда космос милитаризациясн учун 2 миллиард долларга яқин, сўнгги беш йил ичида эса, 26 миллиард доллар сарфлашни мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, яқинда АҚШ ҳукумати 1987 йили сунъий йўлдошларга қарши ердан ҳужум қиладиган системаларни ишга тушириш ҳақида қарор қабул қилди. Шундай системалардан бири икки босқичли ракета бўлиб, уни фазога чиқувчи «F—15» самолётидан учириш планлаштирилмоқда.

1984 йили АҚШ маъмурияти «бегона» сунъий йўлдошларни йўқ қилувчи ракеталар синовини ўтказиш бўйича контрактга қўл қўйди. Шунингдек, Пентагон, айни кунларда Ердан берилган командага мувофиқ портловчи ва «нишон» яқинидан жой олувчи «космик мина» яратиш устида зўр бериб бош қотирмоқда. Космосда урушиш жазавасида АҚШ ҳукумати «Минетмен — 4» деб номланувчи ядро қуролларидан 100 дан ортиғини Ер атрофи орбитасига чиқаришни лойиҳалаштирмоқда.

Космосни милитаризациялаштиришда «Спайс Шаттл» деб номланувчи космик аппаратларнинг роли айниқса катта бўлмоқда. Аэронавтика ва космосни тадқиқ қилиш миллий бошқармаси (НАСА—директори Дж. Флитчер) АҚШнинг «миллий мудофааси» ҳақида қайғуриб, бу типдаги космик кемалар ёрдамида ҳарбий алоқа, навигация бўйича ва разведкачи йўлдошларни Ер атрофи орбитасига чиқаришни планлаштирмоқдалар. Шуниигдек, «Орбитал самолёт» деб юритилувчи космик аппаратлар, ҳарбий йўлдошларни айланма орбитадан стационар орбитага (айланиш даври Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш даврига тенг йўлдошлар) ўтказувчи, шатакка олувчи, ремонт ишларини бажарувчи йўлдошларни ҳамда узоқ даврга мўлжалланган станцияларни космосга чиқаришни планлаштирганлар. Бундай станцилар, «Бизнес уик» журналининг маълум қилишича, тахминан 400 километрча баландликда уча оладиган орбитал ҳарбий базаларнинг хизматини ўтайди.

1994 йилга қадар «Спейс Шаттл» системаси бўйича АҚШ космосга 117 марта учишни режалаштирган. Канаверал бурнидан 1985 йил 25 январда 5 та космонавти билан учирилган «Дискавери» орбитал самолёти шундай типдаги кемалардан бўлиб, старт пайти ва орбитасининг параметрлари ҳақида ҳеч қандай маълумот эълон қилинмади. Шубҳасиз, бунинг сири, кема фақат ҳарбий мақсад билан учирилганидан дарак беради. Кема экипажи тўла ҳарбий кадрлардан ташкил топгани ҳам фикримизнинг далилидир. Айни пайтда АҚШ маъмурияти Пентагон триада деб номланган ҳарбий стратегияни тузиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Триада программаси жуда қувватли (5—10 мегаваттли) ҳимик лазер билан боғлиқ «Альфа», «катта кўрсаткичли оптик эксперимент» дейилувчи лазер нурини узайтирувчи ва нишонга мўлжалловчи «ЛОДЭ» ҳамда мўлжални топиш ва нишонга олиш билан боғлиқ қидирув системаси — «Талон голц» дейилувчи учта программанн ўз ичига олади.

Яқинда эса АҚШда «Тнл рубн» деган кодли ном билан аталувчи «космик уруш»нинг янги воситаларини ишлаб чиқиш программаси тузилаётганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинди. Ҳарбий космик станциянинг датчиклари учирилаётган ракета ёки йўлдошдан ажраладиган иссиқликни қайд қилиб, буйдай системанинг барча аппаратуралари учирилган сунъий йўлдошни ҳам фазода осонгина аниқлай олади.

АҚШ аэрокосмик саноати маҳсулотларининг 80 процентига яқини Калифорния штатида ишлаб чиқариладн. Бу штатдаги Салинон водийси (Кремний водийси) АҚШнинг электрон ва аэрокосмик саноатининг маркази ҳисобланади. «Ньюсуик» журнали маълум қилишича, бу водийдаги 600 га яқин фирма ҳарбий буюртмаларни бажаради ва бу корхоналар учун энг катта фойда «булоғи» космик қурилларни ясаш ҳисобланади.

«Эскалибур» деб номланган программа космосда ишлатишга мўлжалланган рентген лазерни яратиш устида ишламоқда.

Мана, бир неча йилдирки, «Хьюз эйркрафт» фирмаси қошидаги илмий лаборатория «бегона» йўлдошларни лазер нури ёрдамида ишдан чиқарувчи йўлдошларни ишлаб чиқариш устида иш олиб боради. Монтерей шаҳрида кейинги йилларда Пантагоннинг космик ҳарбий кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, ҳарбий денгиз кучлари техник мутахассисларнинг малакасини ошириш мактаби қошида космик ҳарбий операциялар бўйича очилган кадрлар тайёрлаш курси зўр бериб уруш худоси Марс учун шогирдлар тайёрлаш билан банд Калифорния штатининг йирик «Уэллс фарго» банкининг баширатига кўра, яқин беш йил ичида «олтин штат» —Калифорния фирмаларининг ҳарбий қурилларни ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссаси 30 процентга ортади.

Кўриниб турибдики, миллионлаб америкаликларнинг яратган бойликлари космоса совурилаяпти. Космосдан жой олаётган, бортида қирғин қуролли бу «учар тарелкалар» ютаётган халқ бойлиги, аслида меҳнаткашларнинг социал эҳтиёжларини, соғлиқларини, атроф-муҳитнинг софлигини таъминлашга қаратилганидан цивилизация. миз тараққиёти туфайли вужудга келаётган табиатнинг номувозанатлиги, энергетик ҳамда экологик проблемаларнинг олдини олиш мумкин бўлар эди. Бироқ, АҚШ «ўлим концирлари»нинг хўжайинлари, АҚШ маъмуриятн фойда девори ортидаги тубсиз чоҳни кўришга ожизлик қилиб, ҳозирча унинг «ҳовлисини» кенгайтириш билан банд.

М. МАМАДАЗИМОВ, доцент.

• ТАРИХДАН БИР САҲИФА

ЧЕЧАКНИ ЕНГГАН ВРАЧ

Жаҳолатпарастликнинг илмий билимлар билан тўқнашуви ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай тўқнашувлардан бирига 1749 йилнинг май ойида туғилган киши сабабчи бўлди. Бу оддий инглиз врачи Эдуард Дженнер бўлиб, тарихда биринчи марта чечакка қарши эмлашни амалга оширди.

У пайтларда чечакни «қора офат» дейишар, у ҳар йили ўн минглаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлардн. Э. Женнер ана шу даҳшатли касалликдан асровчи вакцинани қашф этди. Худди шу боисдан руҳонийлар унга қарши кураш бошладилар. Улар «парвардигорнинг амри» билан рўй бераётган табиий ҳодисага оддий қишлоқ врачининг аралашишига қаттиқ қарши чиқдилар.

Қаршиликнинг бошқа сабаби ҳам бор эди. Зеро, врач черковни анча-мунча даромадан маҳрум қилаётган эди. Чунки, хурофотга берилган беморлар сўнгги чақаларини черковга садақа қилиб, дардларига яраттандан шифо сўрашарди. Женнерни таъқиб қилишди, ҳақоратлашди, таҳқирлашди. Лекин, у таслим бўлмади. Ҳаёт унинг ҳақ эканлигини исботлади.

• Китоб жавонингизга

Ихчам кутубхона

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига бағишлаб «Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги» ихчам кутубхонасини чоп этди. У олти брошюрадан иборат.

Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант Н. А. Моисеев «КПСС-Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг ташкилотчиси ва йўлбошчиси» брошюрасида коммунистик партиянинг Октябрь ғалабаларини мустаҳкамлаш ва социалистик Ватанимиз озодлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини очиб берган. Истеъфодаги полковник Б. П. Зайцев «Жанглардa тобланган қардошлик» брошюрасида уруш СССР халқлари дўстлигини янада мустаҳкамланганлигини аниқ мисоллар билан исботлаб берган.

Тарих фанлари доктори Туроб Жўраевнинг китоби совет халқининг фашистлар Германияси устидан Ғалабасига Ўзбекистон ҳиссасига бағишланган бўлиб, ўзбек халқининг уруш йилларида Ғалаба учун зўр саботматонат билан меҳнат қилгани, жангчиларни қурол-ярог, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб турганн ҳақида ҳикоя қилади. Генерал-лейтенант Собир Охунжонов ва тарих фанлари кандидати истеъфодаги полковник Калим Зайнуллин ўз китобларида совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси бутун инсоният тақдирига катта революционлаштирувчи таъсир кўрсатганини таъкидлаб, уруш йилларида КПССнинг раҳбарлик ролини, Совет Қуролли Кучларининг озодлик миссиясини пасайтиришни мақсад қилиб олган буржуа сохталаштирувчил а р и нинг уйдирмаларини ҳужжатларга, конкрет далилларга асосланган ҳолда фош қиладилар.

«Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги» кутубхончасига кирган китобларнинг авторлари ўз олдиларига қўйган вазифани муваффақиятли уддалаганлар: мамлакатни уруш йилларида ҳарбий изга солишда КПССнинг фаолияти, совет жангчиларининг жанглардаги матонати, фронт билан мамлакат ичкарисининг бирлиги, совет халқи фашизм устидан қозонган Ғалабасининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти фактик материалларда ишонарли очиб берилган.

С. НИШОНБОЕВ

• Оталиқ ёрдами

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ ҚЎШИҚЛАРИ»

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг педагоглари ва студентлари В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида корхонани оталиққа олишди.

Консерватория коллективининг кучи билан авиасозлар маданият ва техника саройида муҳим мавзуларда суҳбатлар ва концертлар ўтказилмоқда.

Бўлажак музикачилар Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб, маданият саройида «Совет Ўзбекистони қўшиқлари» мавзусида суҳбатли концерт ўтказдилар. Унда музика даргоҳининг бир қатор истеъдодли ёшлари санъатларини намойиш этишди.

Ўтган ойларда шу маданият саройида ўзбек миллий музика анъаналари, ўзбек халқ чолғу асбобларининг истиқболи ҳақида тадбирлар, бўлажак бастакорлар билан учрашувлар ўтказилди.

Бу концертларда У. Қодиров. Ш. Шорахмедов, А. Эрматов сингари студентларнинг ижрочилик маҳорати томошабинларга манзур бўлди.

М. ҚОДИРОВА.

• Олий ўқув юртларида

ЎҚУВ-МЕТОДИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти профессор ва ўқитувчиларининг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги шарафига бағишланган ўқув-методика конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда институтда ўқув-методика ишлари савиясини яхшилаш, мутахассис-педагоглар етиштириш сифатини ошириш, кадрларни танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги вазифалар ҳақида институт проректори С. А. Ҳасанов доклад қилди.

Ўқитувчилардан профессорлар У. Б. Шароповв, Т. И. Исмоилов, Л. Т. Нажмиддинов, С. А. Долимов, Б. А. Охунжонов, доцент Б. Ш. Шакаров ва бошқаларнинг ҳам докладлари тингланди.

Д. СУЛТОНОВА.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

2 АПРЕЛЬ. 1985 й.

Турмуш чорраҳаларида

ҚУШНИ— ТУҒИШГАНДАН АФЗАЛ

«Одамни ғам, темирни занг емиради» деганларидек, Нуриддин ака-нинг уйидаги иситиш батареясини ҳам занг емирган шекилли, ярим тунда ундан тизиллаб иссиқ сув оқаётганини сезиб қолишди. Нуриддин ака сув кечиб ертўлага тушди, амаллаб кранни беркитди. У эрталаб ЖЭКка югурди, сантехникни топди ва уйга бошлаб келди, тешилган батареяни биргаликда алмаштиришди. Сўнг хотиржам ишга кетди. Кечқурун уйга келса хотини йиғлаб ўтирибди.

— Нима бўлди? — сўради Нуриддин ака. Ҳамсигга Нуриддин ака-нинг юқори қаватда, қўшниси Карим ака оиласининг эса пастда яшаши сабаб бўлибди. Қурувчилар сув тепадан пастга оқишини ҳисобга олмаганми, ёмғир, қор суви ҳамиша Карим аканинг квартирасига сизиб ўтади. Ёмғир ёғса, қор эриса худди тепа қўшниси айбдордек Карим ака ва унинг рафиқаси Малика хола тўполон кўтаришган, кўтаришган:

—Сенлар кўчмадинг, биз кутулмадик. Яна квартирамиз сувга тўлди,— деб айюҳаннос солишади.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Халқимизда «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган мақол бор. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки барча тўй, маъракаларда қариндошлардан олдин ён қўшнилар хабардор бўлишади, бел боғлаб, енг шимариб хизмат қилишади. Яхши қўшнилар туғишган опа-сингил, ака-укадан ҳам яқинроқ бўлишади. Лекин қўшнинг ёмон бўлса-чи? Уз уйингда ҳам оёқ учида, омонатдек юрасан, қаттиқроқ йўталишга ҳам истиҳола қиласан. Юқоридаги воқеа бунга мисол. Яқинда қўшнилар ушбу воқеа билан таништиш учун Карим аканикига киришди. Ҳақиқий аҳволни билиб олгач Малика хола ҳаётини ҳисобга олиб, ҳаётини ҳисобга олиб, ҳаётини ҳисобга олиб,

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Р. АКОПЯН
ИШТИРОКИДА

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ

КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММАЛИ

«ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК»

ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШ ПАЙТИДА ТОМОШАБИНЛАР УЧУН КАТОР ВА ЎРИН ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.

Томошалар соат 19.30да, шанба кунлари эса 16.00 ва 19.00 да, якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-31, 44-28-04, 44-35-84.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АвтоВАЗтехобслуживание»нинг

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО МАРКАЗИ МАГАЗИНЛАРИДА

«ЖИГУЛИ-ВАЗ-2104», «ВАЗ-2105», «ВАЗ-2107», «ВАЗ-21063» МАРКАЛИ ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР

БЕМАЛОЛ СОТИЛМОҚДА

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи ва ихтиёрида машинаси бўлмаган барча хоҳловчи кишилар автомобиллар сотиб олишлари мумкин.

Автомобилларни сотиб олиш пайтида тегишли ташкилотларнинг илтимосномаси бўлиши лозим: район социал таъминот бўлимлари, ҳарбий комиссариатлар, ҳарбий қисмлар, саноат корхоналари, қурилишлар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарларидан.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари, қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган кишиларга, шунингдек гражданларга район ижроия комитетларининг 1985 йил 1 квартал аванс фондига биноан автомобиллар ажратилган бўлса, уларга автомобиллар навбатдан ташқари сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

49-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10-синф маълумотидаги ёшлардан малакали ишчилар тайёрлаш учун қуйидаги ихтисослар бўйича 1985-86 ўқув йилига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-синф: ҚАНДОЛАТЧИ, НОН-БУЛКАЛАР ПИШИРУВЧИ НОВВОЙ, ХИМИК-ЛАБОРАНТ, КОНТРОЛЬ-ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ ВА АВТОМАТИКА СЛЕСАРИ, РЕМОНТ ВА СОВУТИШ ҚУРИЛМАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, КОНФЕТЧИ-ШОКОЛАДЧИ. Ўқиш муддати —3 йил:

Бу ихтисослар бўйича ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқувчилар уч маҳал овқат, зарур кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентги тўланади. Ўқиш тамом бўлгач уларга тегишли малакани эгаллаганлиги, ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

10-синф: ЭЛЕКТРИК-АППАРАТЧИ, ОПЕРАТОР. Ўқиш муддати —6-10 ой. Ўқувчиларга 100 сўм миқдорида стипендия тўланади, улар ётоқхона билан таъминланадилар;

Шунингдек, қандолатчи-новвой, карамелчи, конфетчи-ширинликпаз, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесари, ремонт ва совутиш қурилмаларига хизмат кўрсатувчи механик. Ойига 30 сўм миқдорида стипендия тўланади ва ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақининг 50 процентги берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароитлар яратиб берилади.

Билим юрти қошида «Такт» ансамбли, қатор спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома ёки аттестат, яшаш жойидан ва саломатлиги ҳақидаги справкалар, фотосуратлар (3х4 см. ҳажмида).

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Истиқбол кўчаси, 3-уй (15, 23, 45, 81, 106, 177, 171, 183-автобуслар, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати). Телефон 90-36-69.

0-65 СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА



Сиз ана шу телефон орқали қўнғироқ қилиб, маиший хизмат устахоналари кўрсатадиган хизматнинг иш соатлари ва номларини билиб олишингиз мумкин:

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОМБИНАТЛАРИ, КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ТИКИШ АТЕЛЬЕЛАРИ, МАИШИЙ ТЕХНИКА, ТЕЛЕВИЗОР РЕМОНТИ БЎЙИЧА устахоналар, телерадио ателъелар, кир ювиш устахоналари, сартарошхоналар, химчистка, прокат пунктлари.

ХАЙРЛИ ХИЗМАТ БЮРОСИ

сизнинг кичкинтойларингизни парвариш қилиш учун энагалар топишга,

квартираларни ораста қилиш, шаҳримизга келган меҳмонларни эса квартираларга жойлаштиришга ёрдам беради.

«0-65» ХИЗМАТИ

сизнинг хоҳишингизга кўра якка тартибда хизмат кўрсатиш юзасидан сиз билан шартномалар тузади.

Бундай ҳолда сиз бутун йил мобайнида сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича яиада тўла ахборотлар олишингиз мумкин.

Шартнома тузиш юзасидан «0-65» телефони орқали қўнғироқ қилинг.

Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг «0-65» справка-ахборот хизмати қуйидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 1-Май кўчаси, 1-уй.

«ТАШГОРПРОКАТРАЗНОБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон —77-84-77).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).





БОҒ ВА ПОЛИЗ УЧУН

«ТАШХОЗТОРГ»нинг

Навоий кўчаси, «Дўстлик» савдо ярмаркасида жойлашган

30-МАГАЗИНИ

2—5 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

БОҒ-ПОЛИЗ ЖИҲОЗЛАРИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР ВА ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР

САВДО-ҚУРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

САВДО-ҚУРГАЗМАСИДА ТУПРОҚ ЮМШАТГИЧ, КУЛЬТИВАТОРЛАР, ТОК ҚАЙЧИЛАР, ПАНШАХАЛАР, КЕТМОНЛАР, ХАСКАШЛАР, ШОХ-ШАББАЛАРНИ ҚИРҚАДИГАН ПИЧОҚЧАЛАР;

СУПЕР-ФОСФАТ, ОЛТИНГУГУРТ, ПОЛИХЕН, ХЛОРОФОС, ДИУРОН, «ЗАР-2» ЗАҲАРЛИ ХИМИКАТЛАР, ФУНГИЦИТ, ХЛОРАК, ТЕМИР КУҚУНИ, АММОФОС СОТИЛАДИ.



«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

КИНОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

2—7 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Ленинчи коммунистик ёшлар союзи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК КЎРИГИНИ ЎТКАЗАДИ.

ТЕМАТИК КЎРИК «ИСКРА» КОМСОМОЛ-ЁШЛАР КИНОТЕАТРИДА ЎТКАЗИЛАДИ

2 апрелда— «ДЕЯРЛИ ТЕНГДОШ».
3-4 апрелда— «БАХТИЁР ЖЕНЬКА».
5-7 апрелда — «ЖАЗИРАМА ОФТОБ ОСТИДАГИ УЙ».

САНОАТ МОЛЛАРИНИ ГАРОВГА ТОПШИРГАН ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Узайтирилган муддат билан сақлаш учун гаровга қўйилган буюмларни

1985 ЙИЛ 5 АПРЕЛГАЧА ҚАЙТА СОТИБ ОЛИШ ЛОЗИМ.

Кўрсатилган муддат тугаганидан кейин, 1-ЛОМБАРД (Олмазор массиви, Фурқат кўчаси, 14-уй)га топширилган буюмлар сотиб юборилади, 2-ЛОМБАРД (Глинка кўчаси, 13-уй)га топширилган буюмлар «ТАШКОМИССИОНТОРГ»га реализация қилиш учун ўтказиб юборилади.

Реализация қилиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар гражданлар ҳисобидан ундириб олинади ва даъволар қабул қилинмайди.

2-ломбардга гиламлар ва гиламдўзлик буюмлари, устки кийимлар, мўйна, пойафзал ва тўқимачилик матоларини топширган гражданлар молларини 1-Марказий ломбарддан олишлари мумкин.

Ломбардларнинг иш тартиби соат 9.30 дан 18.30 гача, танаффус 13.00 дан 14.00 гача, якшанба—душанба дам олиш куни.

«ТАШГОРЛОМБАРД».

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

1985 йил учун

СССР Ички ишлар министрлигининг

ЛЕНИНГРАД ОЛИЙ ҲАРБИЙ СИЁСИЙ БИЛИМ ЮРТИГА, НОВОСИБИРСК, САРАТОВ, ОРЖОНИКИДЗЕ, ПЕРМЬ ОЛИЙ ҲАРБИЙ КОМАНДИРЛАР БИЛИМ ЮРТИГА, ХАРЬКОВ МАМЛАКАТ ИЧКАРИСИ ХИЗМАТИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юртларида ўқиш муддати — 4 йил.

ЎҚИШГА ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛИШ ЁШИДАГИ 17 ЁШДАН 21 ЁШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700061, Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 87-уй, 125-хона, кадрлар бўлими.

ТВ

сешанба

2 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.55 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вице-адмирал Г. И. Шведрин билан учрашуви.
18.40 «Воқеа содир бўлган жойдан яширинган». Телефильм.
18.50 «Чашмалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.25 «Фан ва турмуш».
19.55 «Мультфильмлар. «Лолалар ҳақида қўшиқ», «Янги ой».
20.15 «Я. Рядтс. Икки фортепьяно ижроси учун маргинали». Фильм-концерт.
20.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм —«Кавказ қалқони».
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. А. Яшин.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

2 АПРЕЛЬ, 1985 й.

22.25 «Театр мемуарлари».
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 Давлат академик рус хорининг концерти.
20.00 «Шимол байрами» чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар. 15 км. Эркаклар.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама»
21.30 «Время».
22.05 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Венгрия —Италия). 1-серия.
23.10 «Таниш оҳанглар».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.40 «Фарғона —менинг муҳаббатим». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
18.55 «Иқтисодий эксперимент нималарга ўргатади?» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улмас сатрлар».
20.15 «Бугун оламда нималар гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Баҳор тароналари». Музикали телефильм.
21.00 М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси «Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Экиш— биринчи имтиҳон».
22.25 «Алба-Регия». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Биология. Генетиканинг медицина ва соғлиқни сақлашдаги аҳамияти.
18.35 «Сени кутамиз, Темур». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма

чоршанба

3 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 5-фильм—«Кавказ қалқони».
10.45 «Саёҳатчилар клуби».
11.45 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Илмий-оммабоп фильм.
15.40 «Сенинг ленинча кутубхонанг», «Миллионларга мерос».
16.10 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
16.45 Классик куйлардан концерт.
17.10 «Буратино кўргазмаси».
17.40 «Бир овоз ва бир неча ниқоблар». Ф. Бегани (ВХР).
18.15 «Калле ва Бука». Мультфильм премьераси.
18.25 «Шимол байрами» чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар. Марафон.
18.55 «Совет Қуролли Кучлари» туркумидан. «Ҳаммаси унинг ўғлонлари». Қуруқликдаги қўшинлар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.05 «Дунё ва ёшлар».
20.40 Волга Давлат рус халқ хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 СССРда Венгрия Халқ Республикаси маданияти кунлари.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Спорт ҳафталиги»

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сув ва аланга». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 География. Географик кашфиётлар тариҳидан.
10.05, 14.05. Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 П. И. Чайковский. «Шчелкунчик» балет-эртаги.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Физика ва илмий-техника революцияси.
11.35, 12.40 А. Н. Толстой. «Рус характери». 6-синф.
12.05 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида. 1-кўрсатув. «Ёнгинамизда нон».
13.10 Зоология. 7-синф. Йиртқич ҳайвонлар.
13.35 Тарих. 7-синф. Е. Пугачёв раҳбарлигидаги деҳқонлар уруши.
14.35 Р. Гамзатов лирикаси.
15.05 Тарих саҳифалари. «Мен — Совет Иттифоқи гражданиманг!».
15.40 «Бутун Россия буни бекорга эсламайди...» (рус адабиётида ватанпарварлик манбалари ҳақида).
16.40 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.50 «Музикали киоск».
20.20 «Илҳом». Телефильм.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.20 «Аджар лавҳалари». Ҳужжатли фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Истамбулга борадиган экспресс». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.00 «Халқаро Театр куни».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Солдатча».
11.00 «Бир репетиция хроникаси». Фильм-спектакль.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар», Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Уч монолог». Телефильм.
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон комсомолининг 60 йиллигига. «Комсомолдан ўрнак ол».
18.40 Венгрия миллий байрами — Озодлик кунига.
19.00 «Ўзбекистонда иккиламчи моддий ресурслардан комплекс фойдаланиш» бўйича республика - илмий-амалий конференцияси (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Хотира».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор коллективи ижро этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Матонат». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Таянч нуқтаси». Телефильм.
18.40 «Тогда ёз қисқа бўлади». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.

КИНО

2 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СПАРТАК» —**Санъат саройи** (катта зал, 17, 20.00; 20.00; телефон 44-21-44), **Чайка** (16, 18.45, 21.15; телефон 77-06-20), Қозоғистон (18, 20, 21.00; телефон 25-24-92), **Дружба** (16, 18.30, 21.00; телефон 66-15-75). **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ХАСТАЛИГИ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 16, 18.20, 20.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«МУВАФФАҚИЯТ» —**Ватан** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ»— **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (19.30, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҲАММАСИ МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

3 АПРЕЛЬ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«СПАРТАК» — Санъат саройи (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Чайка** (16, 18.45, 21.15; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75). **Восток** (11, 13.30 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02). **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).

«МУҲАББАТ ХАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).

«ПЕШҚАДАМ» — **Чайка** (10, 12, 14.00); **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«МЕН ҚЎРҚАМАН — **Ватан** (жуфт соатларда).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси, СССР Адабиёт фондининг Ўзбекистон бўлими Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Назир САФАРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва шаҳар дорихоналар бошқармаси коллективлари дорихоналар бошқармасининг кекса ходими

Сайфулла Абдурасулович АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Октябрь район ошхоналар трести маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 6-ошхона ошпази

Юнус СОДИҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12171. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.